

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Усманова Муниса Нуралиевна
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Ҳозирги кунда саноат жиҳатидан ривожланган давлатларда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишининг 80-95% техника ва технологияларда мужассамлаштирилган янги билимлар ҳиссасига тўғри келмоқда. “Янги иқтисодиётнинг” жадал ривожланиши, капитал ва янги технологиялар бозорлари ўртасида ўзаро боғлиқлик, билимлар, технологиялар ва хизматларнинг кенг миқёсларда яратилиши минтақанинг инновацион ривожланишига асос бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра кенг инновацион фаоллик йирик бизнес томонидан амалга оширилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида йирик корхоналарнинг 80 % ва кичик корхоналарнинг фақат учдан бир қисмигина инновацион фаол ҳисобланади. Тадқиқот ва ишланмалар учун ЯИМда 56%, АҚШда-63%, Японияда-74% ҳукумат томонидан ички харажатлар ҳисобига таъминланади. Ривожланган мамлакатларда технологик инновацияларни амалга ошираётган саноат корхоналарини жами саноат корхоналардаги улуши 43,7 % дан 69,7% гачани ташкил этмоқда. Шу сабабли минтақа саноатини ривожлантиришда инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда кўпгина университетлар технологиялар трансфери бўйича ўз имкониятларига эга бўлганлари учун бундай университетлар “Тадбиркорлик университетлари” номини олган. Университетлар учун лабораториядан саноатга технологияларнинг самарали ва хавфсиз ўтиш йўлларида бири бўлиб ёш тадқиқотчиларни саноат компанияларига ишга олиниши бўйича табиий ҳаракати ҳисобланади (ҳар йили 10 %).

Янги технологияларни узатишнинг яна бир йўли бўлиб, университетлар таркибида ташкил этилувчи бизнес-марказлар, илмий технологик парклар, бизнес инкубаторлар ва бошқа инновацион инфратузилма объектлари ҳисобланади. Тадбиркорлик университетлари билимларни амалиётда қўллаб, натижаларни янги таълим фанларига киритади ҳамда интерактив инновацион моделни шакллантиришда иштирок этади.

АҚШ кўп йиллар давомида саноат ва инновацион тараққиётнинг жаҳондаги етакчиси ҳисобланиб келган. 1970 йилларда мамлакатда янги ғоя ва технологияларни тарқатишнинг ахборот механизми ишлаб чиқарилган. Бу фаолият илмий-техник ахборот ва федерал лабораториялар консорсиумининг миллий маркази томонидан амалга оширилган эди. Унда барча давлат муассасаларининг илмий тадқиқот натижалари бўйича маълумотлар йиғилган. Ушбу марказга 300 дан ортиқ федерал илмий марказлар кирган.

1980 йилларда кашфиётлардан фойдаланишнинг янги соҳаларини излаб топиш ҳамда ўз ички ресурслари ҳисобига хусусий компаниялар томонидан модификациялашни қўллаб қувватлаш бўйича норматив ҳуқуқий актлар қабул қилинди. Ушбу актга мувофиқ илмий тадқиқот бўлимига эга ҳар қандай давлат тузилмаси бошқа соҳаларга технологияларни татбиқ қилиш соҳасини кенгайтириш учун бюджетини камида 0,5%ни сарфлаши лозим эди.

“Уч спирал” асосида минтақани инновацион ривожлантиришда ҳам АҚШ етакчи ҳисобланади. Айниқса, Массачусет технология университети бу борада етакчидир. Бунда университет раҳбарияти кимё ва физика каби фанларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. 1930 йилларда университет физикларни ишга олиш жараёнида фундаментал илмларни амалиётда қўлловчи мутахассисларга алоҳида эътибор қаратди. 1846 йилда Уилям Бартон Роджерс Берган томонидан “Университет-ишлаб чиқариш” узок муддатли муносабатлар ғояси бу тадбирнинг асосий марказига айланди. Натижада дунё рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган 150 та университет АҚШ миллий инновацион тизимининг асосига айланди. Браун, Гарвард, Ел, Колумбия, Пенсилвания, Пристон университетлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Беркли, Стенфорд университетлари, Массачусет технологик институти, Вискон университети йирик илмий ва таълим марказларига айланди.

“Уч спирал”ни АҚШда яхши ривожланишида 1980 йилда Бея Доул (Bayh –Dole act)) акти деб номланган патент ва савдо белгилари бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу акт бир ҳудуд доирасида университетлар, кичик бизнес субъектлари ва нотижорат ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириладиган кашфиётларни бошқариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бўйнига олиш имкониятини берди. Бунинг ҳисобига университетларга қуйидаги мажбуриятлар юкланган эди:


- грантлар ҳисобига молиялаштирилган тадқиқотлар бўйича амалга оширилган ҳар қандай грантлар бўйича давлатга маълумот бериб бориш;
- кашфиётнинг номини аниқлаш;
- кашфиётларни патентлаштириш;
- ишланмаларни молиялаштирувчи ташкилотлар бўйича маълумот бериш;
- технологияларни тижоратлаштириш бўйича фаол сиёсат олиб бориш;
- давлат ташкилотларидан рuxсатсиз учинчи шахсларга кашфиётлардан фойдаланиш ҳуқуқини бермаслик;
- кашфиётларни биринчи ўринда саноат ва кичик бизнесга сотиш.

Шу билан бирга саноати кучли ривожланган АҚШ ва Японияда инновациянинг давлат томонидан қуйидаги йўналишлари қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунда Японияда давлат томонидан қўллаб-қуватланадиган инновацион фаолият йўналишлари:

- *биотехнология
- *медицина ускуналари
- *телекоммуникацион технологиялар
- *информацион технологиялар
- *электроника
- *авиакосмик технологиялар

Бундан ташқари, магистрлик диссертация ишида инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини ривожланган давлатлар мисолида тадқиқ этилди (1-расм).



1-расм. Инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари

Саноат соҳасини ривожлантириш соҳасида амалга оширилган сиёсат Германияни нафақатгина Европанинг эмас, балки бутун бир дунёда иқтисодий тараққиётнинг етакчисига айлантирди. Илмий тадқиқот ва инновацион тараққиёт Германиянинг саноат мажмуаси учун муҳим вазифани амалга оширди. Немис корхоналари учун янги ёки яхшироқ ишлаб чиқариш воситалари ва технологиялари, хом-ашё материаллари ва дастурий таъминотни кенг доирада ва тезда татбиқ этиш асосий мақсад этиб белгиланган эди. XX асрнинг 80 йилларида Германияда илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришда асосий эътибор минтақалардаги йирик саноатга қаратилди. Бу йўналиш учун молиялаштириш жами тадқиқот ва тараққиёт харажатларини 2/3 қисмини ташкил этди.

2006 йилда Германияда Инновацион ва технологик тараққиёт Стратегияси қабул қилинди. Стратегияда миллий инновацион соҳасидаги хатти-ҳаракатларнинг асосий йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш инструментлари минтақавий нуқтаи назардан аниқ ифодаланган эди. Ушбу ҳужжат Германияни жаҳонда илм фанни ривожланишини ҳисобга олган ҳолда технологик соҳадаги янги йўналишларини белгилаб берди. Стратегияда миллий хўжалик учун устунликка эга бўлган 17 та етакчи тармоқлар аниқланди. Улар учун узоқ муддатли тараққиёт дастури ишлаб чиқилди.

Давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва бошқариш бўйича хорижий тажриба шуни кўрсатадики, самарали инновацион сиёсат иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери бўлиб хизмат қилади. АҚШ, Германия, Жанубий Корея ва Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси инновацияларни ривожлантириш учун комплекс ёндашувнинг аҳамиятини намоён қилади.

Бунда давлатнинг стратегик ролини белгиловчи қуйидаги жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади:

- **Молиявий қўллаб-қувватлаш ва грантлар:** Илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш самарали натижалар беради.

- **Инфратузилмани ривожлантириш:** Технопарклар, инновация марказлари ва кластерларни ташкил этиш орқали инновацион экотизимни шакллантириш.

- **Хусусий сектор билан ҳамкорлик:** Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш инновацияларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

- **Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш:** Инновациялар ва янги технологияларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш сармояларни жалб қилиш ва янги ишланмаларни рағбатлантириш учун зарурдир.

- **Халқаро ҳамкорлик:** Илмий изланишларнинг глобаллашувини таъминлаш, халқаро тажриба ва технологиялардан самарали фойдаланиш инновацияларни янада ривожлантиради.

Ўзбекистонда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, инновацион сиёсатни ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар жорий этилиши лозим. Бунда илмий тадқиқотларни молиялаштиришни ошириш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш ва хусусий сектор билан самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш устувор йўналишлардан бўлиши керак.

Шу тариқа, хориж тажрибаси Ўзбекистон шароитида инновацияларнинг иқтисодий тармоқларига интеграциясини жадаллаштиришга ёрдам бериши ва мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.
3. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда инновацион кластерларни ривожлантириш истиқболлари. Монография. –Т.: Ilmiy-texnika axboroti-press. 2017. - 248 б.